

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ПРОЦЕССУАЛ ҚАРОРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

Ражабов Ислом Вохиджонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3 ўқув курс 320 гуруҳ курсанти

М.М. Асқаров

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

“Тергов фаолияти” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф ишни судга қадар юритишда процессуал қарорларни ҳисобга олишнинг умумий шартларини, унга ёшйиладиган талабларни, қонунлар ва адабиётларда мавзуга алоқадор жумлаларни келтириб ўтиб мавзунини илмий таҳлил қилган.

Калит сўзлар: *ахборот хавфсизлиги, кибекхужум, кибекрмакон, ахборотни муҳофаза қилиш, жиноий ҳуқуқий статистика.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор провел научный анализ предмета, приведя общие условия учета процессуальных решений, конкретные требования, приговоры, относящиеся к предмету в законах и литературе.

Ключевые слова: *информационная безопасность, кибератака, киберпреступность, защита информации, уголовно-правовая статистика.*

ANNOTATION

Through this article, the author scientifically analyzed the subject by citing the general conditions for taking procedural decisions into account, the specific requirements, sentences related to the subject in laws and literature.

Key words: *information security, cyber attack, cyber crime, information protection, criminal legal statistics.*

Ўзбекистонда ҳуқуқий статистика билан ишлаш асослари “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикасида давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, давлат статистикаси органларининг ваколатларини белгиловчи ҳамда ягона статистика ахбороти тизими юритилиши борасидаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида давлат статистикасининг асосий вазифалари қаторига ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва эълон қилиш

киритилган.

Қонуннинг

10-моддаси давлат статистика ишлари дастурларини тартибга солади. Бундай дастурлар мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотини тайёрлаш учун аниқ йўналтирилган топшириқлар ҳамда статистика ишларини молиялаштириш ҳажмлари қамраб олинган ҳужжатдир. Давлат статистика қўмитаси ҳар йили давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади. Йиллик дастурда тегишли ишларни бажариш муддатлари, давлат статистика кузатувлари даврийлиги ва шакллари белгилаб олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 105-сонли қарори билан “2020 йил учун давлат статистика ишлари дастури” тасдиқланган. Унда вазирлик, идора ва ташкилотлар бажарадиган статистик ишлар белгиланган бўлиб, қуйидаги ҳуқуқий маълумотларни даврий асосда йиғиш назарда тутилган:

- *жиноятчилик ҳолати ва жиноятларни фош этиш натижалари, шу жумладан жиноятларнинг айрим турлари ҳақида (бош прокуратура);*
- *автотранспортда йўл-транспорт ҳодисалари (ички ишлар вазирлиги);*
- *судланган шахслар сони ва уларга тайинланган жазо чоралари тўғрисида маълумотлар (олий суд);*
- *зўравонликдан жабрланган аёллар, зўравонлик содир этган, зўравонлик содир этишига мойил шахслар тўғрисида маълумот (олий суд ва ички ишлар вазирлиги)*
- *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида маълумот (ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича республика идоралараро комиссияси).*

Бундан ташқари, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида” ги Қонун билан ҳуқуқий ахборот тушунчаси ва унинг таркибига кирувчи маълумотлар белгиланган. Бироқ, ушбу Қонунда ҳуқуқий статистика ҳуқуқий ахборот сифатида тан олинмаган, унинг тушунчаси ва таркиби ёритилмаган.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқий статистика қайсидир маънода давлат статистикаси ва ҳуқуқий ахборот тизимидан ташқарида қолган. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳуқуқий статистика алоҳида ҳуқуқий тушунча ва ягона шаклдаги ресурс сифатида юритилмайди ҳамда бу соҳага жавобгар бўлган мутасадди идоралар аниқлаштирилмаган.

Гарчи Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва баъзи бошқа идораларнинг веб-сайтларида жиноятчилик тўғрисида айрим маълумотлар жойлаштирилаётган бўлсада, аксарият ҳолда улар умумий характерга эга. Масалан, Давлат статистика қўмитасининг сайтида жойлаштирилган ҳуқуқий статистик маълумотларда “2020 йил учун давлат статистика ишлари дастури”да назарда тутилган “фош этилган ва фош этилмаган

жиноятлар тўғрисида”, “иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши жиноятчилик билан курашиш натижалари тўғрисида”ги маълумотлар мавжуд эмас. Шунингдек, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида маълумот” ўрнига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар (тарғибот-ташвиқотлар, яқка тартибдаги профилактик тадбирлар ва ҳ.к.)га оид умумий тарздаги статистик кўрсаткичлар келтирилган. Ваҳоланки, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги статистик маълумотларни тўлиқ тарзда, тегишли категорияларга ва турларга бўлган ҳолда акс эттириб эълон қилиниши жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлиги ва хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сонли “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2018 йил 1 декабрдан бошлаб жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари ҳаракатланишининг ягона ҳисоби ўзбекистон республикаси бош прокуратураси томонидан амалга оширилиши белгиланди, “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона тизими жорий этилди.

Суд-тергов фаолияти соҳасидаги ислохотлар Конституция устуворлиги, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, тергов устидан суд назоратини кучайтиришга қаратилган навбатдаги муҳим тарихий қадамдир.

Бугунги кунда 2018 йил 30 декабрдаги “**Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида**”ги низом, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 105-сонли қарори билан “**2020 йил учун давлат статистика ишлари дастури**” ҳамда 2021 йил 11 августда қабул қилинган ЎРҚ-707-сонли “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикасида давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, давлат статистикасини органларининг ваколатларини белгиловчи ҳамда ягона статистика ахбороти тизими юритилиши борасидаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Биламизки, процессуал қарорларнинг барчаси умумлаштирилганда Ўзбекистон Республикасининг расмий статистикасини (жиноий-ҳуқуқий статистикасини) ташкил этади. Шу нуқтаи назарга кўра расмий статистиканинг бир қатор тушунчалари ушбу қонунда¹ ўз аксини топган ва улар қуйидагилардан иборат:

¹ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “РАСМИЙ СТАТИСТИКА ТЎҒРИСИДА” ҚОНУНИ

- ✓ идентификатор — статистик бирликни унинг номи, географик жойлашуви ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари асосида идентификациялаш имконини берувчи белгилар кетма-кетлиги;
- ✓ индивидуал маълумотлар — статистик бирликни тавсифловчи, уни бевосита ёки билвосита идентификациялаш имконини берувчи бирламчи маълумотлар;
- ✓ маъмурий маълумотлар — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ шакллантирилган маълумотлар;
- ✓ метамаълумотлар — фойдаланувчиларга маълумотларнинг манбалари, услубиятлари, таърифлари, таснифлари ва сифати тўғрисида ахборот тақдим этиш йўли билан статистика маълумотларини ҳамда жараёнларини стандартлаштирилган тарзда тавсифловчи маълумотлар;
- ✓ миллий статистика тизими — расмий статистикани биргаликда тайёрлайдиган ва тарқатадиган давлат статистика органлари ҳамда расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари мажмуи;
- ✓ расмий статистикани тайёрловчи — миллий статистика тизимининг бир қисми бўлган, статистика маълумотларини расмий статистика соҳасидаги статистика дастурларига мувофиқ тайёрлайдиган давлат бошқаруви органи ва (ёки) унинг бўлинмаси;
- ✓ статистика маълумотлари — статистика кузатувлари натижасида ва (ёки) маъмурий маълумотлар асосида тайёрланган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик хусусиятга ҳамда бошқа хусусиятга эга ахборот;
- ✓ статистика маълумотларини тайёрлаш — статистика маълумотларини йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолият;
- ✓ статистик бирлик — статистика кузатувиغا олиниши лозим бўлган жисмоний ёки юридик шахс (шу жумладан унинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) ёхуд уй хўжалиги;
- ✓ таснифлаш — расмий статистика соҳасида қабул қилинган усуллар ва белгиларга мувофиқ объектлар тўпламини ўхшашлиги ёки фарқи бўйича алоҳида кичик тўпламларга ажратиш.

Ҳар бир ҳисобга олиниши лозим бўлган жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш, уни содир этган шахс, жабрланувчи, шунингдек, терговга қадар текширув материаллари, жиноят ишлари, жиноят ишлари бўйича суд қарорлари ҳамда уларни ижро этиш жараёни ва натижалари рўйхатга олиш субъектлари томонидан қабул қилинган процессуал қарорлар асосида тегишли бирламчи

ҳисобга олиш электрон статистик карточкалари шаклида тўлдирилади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Бирламчи ҳисобга олиш электрон статистик карточкаларини тўлдиришда йўл қўйилган ноаниқликлар ва бошқа маълумотлар учун рўйхатга олиш субъектлари шахсан жавобгардирлар. Рўйхатга олиш субъектлари томонидан бирламчи ҳисобга олиш электрон статистик карточкалари тўлдирилгандан сўнг, тегишли орган раҳбари ўзига тааллуқли қисми маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлигини йигирма тўрт соат давомида текшириб тўлдиради ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди. Рўйхатга олиш субъектлари томонидан тўлдирилган бирламчи ҳисобга олиш электрон статистик карточкалари прокурор ёки унинг ўринбосари рўйхатга олиш субъектларининг қабул қилган процессуал қарори билан ваколати доирасида келишгандан сўнг дарҳол электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди ва шундан кейин ҳисобга қўйилган деб ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Волеводз А.Г. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования / А.Г.
2. Волеводз // Правовые вопросы связи. — 2007. — № 2. — С. 17–25.
3. Ўзбекистон Республикаси 822-І-сонли «Телекоммуникациялар тўғрисида» ги қонуни, 20.08.1999- й
4. Ўзбекистон Республикасининг 1060-ХІІ-сонли “Электрон компьютерлар ва маълумотлар базалари учун дастурларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни, 06.05.1994-й.
5. Учебное пособие «Международные основы и стандарты информационной безопасности финансово-экономических систем» под изд. Юлии Бекетновой, Григория Крылова, Светланы Ларионовой. Издательство Litres, февраль 2020